□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□
□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□
□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□
□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□
□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□
□□□□□□□ □□□□) □□□□□□□□□□□□□).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбийяда ёмғир ёғиб ўтган тундан сўнг биз билан бомдод намозини ўқидилар. Намозни тугатгач, одамларга юзланиб: «Роббингиз нима деганини биласизларми?» дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дейишди. Ул зот: «Роббингиз: Бандаларимдан баъзилари мўмин бўлиб, баъзилари кофир бўлиб тонг оттирди. Кимки: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди», деган бўлса, у Менга иймон келтирган ва юлдузга кофир бўлган кишидир. Аммо, кимки: «Фалон, фалон юлдузлар сабабли ёмғир ёғди», деган бўлса, у юлдузга иймон келтирган ва Менга кофир бўлган кишидир, деди», дедилар.

□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□
:□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□
□□□□□□□ □□□□) «□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□»).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша розияллоҳу анҳо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар ёмғирни

кўрсалар “Аллоҳумма соййибан нафиъан” (Эй Аллоҳим, фойдали ёмғир қилгайсан), дер эдилар.

□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□» :□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□ □□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□) «□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□).

Имом Бухорий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ғайб калитлари бешта, уларни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди: 1) Ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди; 2) Ҳеч ким қоринлардаги (ҳомила)нинг нима бўлишини билмайди; 3) Ҳеч бир жон эртага нима қилишини билмайди; 4) Ҳеч бир жон қаерда ўлишини билмайди; 5) Ҳеч ким ёмғир қачон ёғишини билмайди».

Шарҳ:

Ёмғир – Аллоҳ таолонинг хоҳлаган бандаларига инъом қилиб берадиган неъмати ва фазлу марҳаматидир. Бу неъматни Аллоҳ таолодан бошқасига нисбатлаб: фалон юлдуз чиққани ёки фалон фасл киргани учун ёмғир ёғди, дейишлик куфрони неъматдир. Зотан, бу неъматнинг фазлини Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзига нисбатламоқ лозим. Юлдузларнинг чиқиши ва фаслларнинг алмашиши Аллоҳ таоло жорий қилиб, унда хоҳлаган бандаларини бундай неъматлар билан ризқлантириб турадиган вақтлар холос. Агар маълум юлдуз ва фасллар сабаблигина ёмғир ёғадиган бўлганида, улар кўринган ё

келган пайтда ер юзида бу неъмат билан озиқланмаган бирон киши қолмаган бўлар эди. Лекин воқеъда бундай эмас, керакли юлдуз ва фасллар бор бўлишига қарамай ёмғир ўз вақтидан кечикиши, баъзан ёғиб, баъзан бутунлай ёғмаслик ҳоллари кўп кузатилади. Бинобарин, ёмғир ёғиш вақтини ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзигина билади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. “Фалон материк ёки фалон юлдуз сабабли бизга ёмғир ёғди” дейишлик жоиз эмас, балки “Аллоҳ таолонинг фазлу карами, раҳмати сабабли ёмғир ёғди” дейилади.
2. Ёмғирни кўрган вақтда “сойийибан нафиъан” – яъни, Эй Аллоҳим, фойдали ёмғир қилгайсан, дейиш суннат.
3. Ёмғирнинг қайси соатда, қайси равишда ёғиши Аллоҳ таолодан бошқаси билмайдиган ғайб илмларидандир.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com